Юқорида келтирилган боғланиш графиги асосида аниқланган корреляция коэффициенти қиймати $r = 0,90$ га тенг бўлганлиги сабабли, тадқиқотда ўрганилаётган дарё ҳавзасига ёғадиган атмосфера ёғинларини SPI (Стандартлаштирилган ёғин индекси) га айлантириш тавсия этилади [McKee et al.,1993; Умирзаков ва бошқ., 2021; Умирзаков ва Омонов, 2021].

Тадқиқотнинг ушбу қисмида CRU маълумотлар базасидан фойдаланиб, метеорологик индекслар (SPI) ҳисобланди ва уларнинг йиллар давомида ўзгариши таҳлил қилинди. Шу мақсадда SPI6 индекслари учун ойлик ўзгаришларни акс эттирувчи график чизилди (5-расм).



5-расм. CRU базаси бўйича 6 ойлик (а) ва 12 ойлик (б) SPI қийматларининг ўзгариши

Рис. 5. Изменение значений SPI за 6 месяцев (а) и 12 месяцев (б) по данным базы CRU

Fig. 5. Changes in 6-month (a) and 12-month (b) SPI values based on the CRU database

5а-расмда кўриниб турибдики, SPI6 индексининг “0” қиймати меъёрни англатади. 1969 йил энг серёғин йил сифатида қайд этилган бўлса, 1974 йил энг қурғоқчил йил бўлган. Шу билан бирга, SPI12 индекслари учун таҳлиллар шуни кўрсатдики, энг қурғоқчил давр 1982 йилга тўғри келади (5б-расм).

Тадқиқот давомида CRU базаси ва метеорология станцияси ва гидропостда кузатилган маълумотлар асосида ҳисобланган SPI ва SSI индекслари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Дастлаб, Писком метеорология станцияси ва CRU базаси ойлик атмосфера ёғинлари ҳамда Муллала гидропостида кузатилган ойлик сув сарфи маълумотлари асосида SPI6 ва SSI6 индекслари ҳисобланди ва улар орасидаги боғлиқлик таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир даврнинг суратида метеорология станцияси билан гидропост маълумотлари орасидаги боғланиш, махражида эса CRU базаси билан гидропост маълумотлари орасидаги боғланишлар кўрсатилган. Октябрь-март ойларидаги SPI индекслари билан март-август ойларидаги SSI индекслари ўртасидаги корреляция коэффиценти $r = 0,81$ га тенг бўлган. Ушбу юқори боғлиқликни дарё ҳавзасига

ёққан ёғингарчиликларнинг асосий қисми октябрь-март ойларига, оқим эса апрель-сентябрь ойларига тўғри келиши билан изоҳлаш мумкин .

2-жадвал

SPI6 ва SSI6 индекслари ўртасидаги статистик боғланишлар

Таблица 2

Статистические связи между индексами SPI6 и SSI6

Table 2

Statistical relationships between the SPI6 and SSI6 indices

Ойлар		SPI6 (Писком метеостанцияси/CRU базаси)												
		VIII-I	IX-II	X-III	XI-IV	XII-V	I-VI	II-VII	III-VIII	IV-IX	V-X	VI-XI	VII-XII	
SSI6 (Писком-Муллага гидрологик пост)	VIII-I	0,24												
		0,28												
	IX-II	0,34	0,33											
		0,41	0,4											
	X-III	0,43	0,43	0,36										
		0,5	0,49	0,4										
	XI-IV	0,53	0,58	0,54	0,37									
		0,59	0,63	0,57	0,44									
	XII-V	0,59	0,69	0,68	0,6	0,52								
		0,64	0,71	0,7	0,65	0,56								
	I-VI	0,62	0,75	0,79	0,74	0,69	0,58							
		0,64	0,77	0,8	0,79	0,73	0,61							
	II-VII	0,62	0,75	0,81	0,79	0,76	0,67	0,68						
		0,63	0,76	0,82	0,83	0,8	0,71	0,7						
	III-VIII	0,61	0,73	0,81	0,79	0,75	0,67	0,68	0,68					
		0,62	0,75	0,81	0,83	0,8	0,71	0,7	0,66					
	IV-IX	0,61	0,73	0,8	0,78	0,75	0,67	0,69	0,69	0,53				
		0,62	0,74	0,81	0,82	0,79	0,72	0,71	0,66	0,55				
	V-X	0,61	0,72	0,79	0,77	0,74	0,66	0,67	0,68	0,53	0,26			
		0,61	0,73	0,8	0,81	0,78	0,71	0,7	0,65	0,54	0,33			
	VI-XI	0,59	0,69	0,77	0,73	0,72	0,66	0,67	0,68	0,53	0,26	0,09		
		0,58	0,7	0,78	0,77	0,77	0,71	0,69	0,65	0,54	0,33	0,12		
	VII-XII	0,57	0,63	0,71	0,66	0,66	0,62	0,64	0,69	0,56	0,35	0,19	0,27	
		0,56	0,63	0,71	0,69	0,71	0,69	0,68	0,65	0,55	0,41	0,23	0,25	

Изоҳ: ранглар корреляция даражасини ифодалайди (қизил – кичик, яшил – катта).

Примечание: цвета представляют уровни корреляции (красный – низкий, зеленый – высокий).

Note: colors indicate the of correlation (red – low, green – high).

CRU маълумотлари бўйича энг кучли боғлиқлик ноябрь-апрель ойларига тўғри келган бўлиб, бу даврдаги корреляция коэффиценти $r = 0,83$ ни ташкил этди (2-жадвал махражида келтирилган). Ушбу натижа, ёғингарчиликларнинг мазкур ойлар давомида шаклланиши билан изоҳланади.

SPI12_MC(метеорология станцияси) ва SSI12 индекслари гидрологик йил даври учун таҳлил қилинди. Ушбу даврда SPI ва SSI индекслари орасидаги корреляция зичлигини ифодалайдиган коэффицент қиймати $r = 0,80$ деб топилди (3-жадвал).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, SPI12_CRU ва SSI12 индекслари гидрологик йилга мос келувчи давр учун таҳлил қилинди. Ушбу даврда аниқланган корреляция коэффиценти $r=0,78$ га тенг бўлди (3-жадвал махражида келтирилган).

SPI6 ва SSI6 индексларини ўрганишда SPI6 даври йилнинг совуқ ярим йиллиги – октябрь-март ойларига, SSI6 даври эса йилнинг иссиқ ярим йиллиги – апрель-сентябрь ойларига мос равишда ҳисобланди. Умуман олганда, дарё ҳавзаларида йиллик ёғиннинг

асосий қисми совуқ ярим йилликда йиғилади, оқим эса асосан иссиқ ярим йилликда дарёдан оқиб ўтади.

3-жадвал

SPI12 ва SSI12 индекслари ўртасидаги статистик боғланишлар

Таблица 3

Статистические связи между индексами SPI12 и SSI12

Table 3

Statistical relationships between the SPI12 and SSI12 indices

Ойлар		SPI12 (Писком метеостанцияси/CRU базаси)											
		XII-I	I-II	II-III	III-IV	VI-V	V-VI	VI-VII	VII-VIII	VIII-IX	IX-X	X-XI	XII-XI
SSI12 (Писком-Муллага гидрологик пост)	XII-I	0,56											
		0,63											
	I-II	0,56	0,51										
		0,63	0,59										
	II-III	0,57	0,53	0,37									
		0,64	0,6	0,45									
	III-IV	0,6	0,57	0,43	0,29								
		0,66	0,63	0,49	0,33								
	VI-V	0,65	0,66	0,56	0,45	0,38							
		0,7	0,7	0,59	0,47	0,38							
	V-VI	0,62	0,72	0,73	0,69	0,64	0,62						
		0,65	0,72	0,72	0,7	0,64	0,6						
	VI-VII	0,51	0,63	0,75	0,79	0,78	0,77	0,75					
		0,5	0,59	0,7	0,76	0,78	0,77	0,75					
	VII-VIII	0,46	0,59	0,74	0,8	0,81	0,8	0,79	0,79				
		0,45	0,54	0,68	0,77	0,8	0,8	0,78	0,77				
	VIII-IX	0,45	0,59	0,74	0,8	0,82	0,81	0,8	0,8	0,8			
		0,43	0,52	0,67	0,77	0,81	0,81	0,79	0,78	0,78			
	IX-X	0,45	0,58	0,74	0,81	0,83	0,82	0,81	0,81	0,81	0,72		
		0,42	0,51	0,67	0,77	0,82	0,81	0,8	0,79	0,79	0,75		
	X-XI	0,44	0,57	0,74	0,81	0,83	0,82	0,82	0,82	0,82	0,74	0,65	
		0,41	0,5	0,66	0,77	0,82	0,82	0,81	0,79	0,79	0,76	0,7	
	XII-XI	0,43	0,57	0,74	0,82	0,84	0,83	0,83	0,83	0,83	0,75	0,65	0,61
		0,41	0,5	0,67	0,77	0,82	0,82	0,81	0,8	0,8	0,76	0,69	0,65

Изоҳ: ранглар корреляция даражасини ифодалайди (қизил – кичик, яшил – катта).

Примечание: цвета представляют уровни корреляции (красный – низкий, зеленый – высокий).

Note: colors indicate the of correlation (red – low, green – high).

SPI12 ва SSI12 индекслари ўртасида боғлиқликни ўрганиш учун гидрологик йил – октябрь-сентябрь ойларини қамраб олувчи давр танланди (4-жадвал). Бу танлов метеорологик ҳодисаларнинг гидрологик жараёнларга кўрсатадиган таъсирини янада аниқроқ баҳолаш имконини беради. Ушбу ёндашув дарё ҳавзаларидаги ёғингарчилик ва оқим ўртасидаги мавсумий боғлиқликни чуқурроқ таҳлил қилиш учун муҳим бўлиб, гидрологик ва метеорологик маълумотлар орасидаги интеграцияни таъминлайди.

SPI ва SSI индекслари ўртасидаги статистик боғланишлар ва уларнинг таҳлили. SPI6 ва SSI6 индекслари метеорология станцияси ва гидропост маълумотлари билан боғланганда корреляция коэффиценти $r = 0,80$ га тенглиги аниқланган. Ўхшаш натижалар SPI12 ва SSI12 индекслари учун ҳам қайд этилди. CRU маълумотлар базаси ва гидропост маълумотлари билан SPI6 ва SSI6 индексларининг боғланиш коэффиценти $r = 0,81$, SPI12 ва SSI12 индексларида эса $r = 0,78$ бўлди.

Спирман усули билан ҳисобланган боғланиш натижаларига кўра, фақат SPI6 ва SSI6 индекслари учун CRU маълумотлар базаси ва гидропост билан боғланиш қиймати $r = 0,81$ га тенг бўлган. Бошқа уч ҳолатда эса Спирман усули билан олинган корреляция коэффициенти Пирсон усулига нисбатан кичик қийматда бўлди.

4-жадвал

Қурғоқчилик прогнозлари самарадорлигини “hit-score” қиймати ёрдамида баҳолаш

Таблица 4

Оценки эффективности прогнозов засухи на основе значения «hit-score»

Table 4

Assessment of efficiency of drought forecasts using “hit-score” value

MC (1965-2020 йй.)	SPI6(X-III) SSI6(IV-IX)	SPI12(X-IX) SSI12(X-IX)	CRU (1965-2020 йй.)	SPI6(X-III) SSI6(IV-IX)	SPI12(X-IX) SSI12(X-IX)
R	0,80	0,80	r	0,81	0,78
Спирман r	0,78	0,74	Спирман r	0,81	0,72
%	hit score		%	hit score	
70	0,71	0,71	70	0,65	0,76
80	0,60	0,73	80	0,40	0,73
90	0,67	1,00	90	0,33	0,80
95	0,67	0,67	95	0,33	0,33

Қурғоқчилик прогнозларининг аниқлиги баҳоланганда, энг яхши натижа SPI6 ва SSI6 индексларининг метеорология станцияси ва гидропост билан 90% таъминланиш чизиғида ҳисобланганда қайд этилган бўлиб, бу натижа прогнознинг 100% аниқлик билан олинганлигини кўрсатади. Умуман олганда, CRU базаси маълумотлари бўйича қурғоқчилик прогнози натижалари бироз кичик кўрсаткичларга эга. Бунинг сабаби сифатида CRU база маълумотларининг SPI индекслари майдонли маълумот ҳамда ёғингарчилик миқдори катта ҳудудга интрополяция қилинганлиги ва бошқа омилларнинг таъсири деган ҳулосага келдик. SPI ва SSI индекслари билан боғланишлари таҳлил қилиниб, энг яхши боғланиш даврлари чуқурроқ ўрганилганида янада яхши натижалар олиш имконияти мавжудлигини таъкидлаш мумкин.

Олинган натижалардан келиб чиқадиган ҳулосалар.

1. CRU маълумотлар базаси метеорология станцияси маълумотлари билан таққосланди ва улар орасида статистик боғланиш мавжудлиги аниқланди.

2. CRU базаси асосида SPI6 ва SPI12 индекслари ҳисоблаб чиқилди, уларнинг йиллараро ўзгариш графиги чизилди ва қийматлар метеорология станцияси маълумотлари билан таққосланди.

3. SPI6 ва SPI12 метеорологик индекслари билан мос равишда SSI6 ва SSI12 гидрологик индекслари орасидаги боғланишлар аниқланди ва мазкур боғланишлар асосида йилнинг совуқ ва иссиқ ярим йиллиги учун hit score қийматлари ҳисобланди.

4. Hit score қийматлари CRU база маълумотлари асосида кичикроқ боғланиш қийматларини қайд этган бўлса-да, энг юқори боғланиш даврлари танланганида қурғоқчилик индекслари прогнозлашда самарали натижалар бериши имконияти мавжудлиги очиб берилди.

5. Олинган натижалар CRU база маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари кенг эканлигини кўрсатади ва ушбу база турли илмий ва амалий тадқиқотларда қўлланилиши тавсия этилади.

6. Метеорология станциялари мавжуд бўлмаган ёки улардаги маълумотлар узилган ҳудудларда CRU базаси маълумотларини тиклаш ва улардан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаллифларнинг хиссаси. Н.О. Омонов: мақола ғоясини қўллаш, маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, мақола матнини ёзиш, натижалар таҳлили.

Ғ.Ў. Умирзаков: мақола ғоясини аниқлаштириш, методологияси, натижалар таҳлили, натижаларни текшириш, раҳбарлик. **К.Р. Рахмонов:** мақола ғояси, объектни танлаш, мақолани расмийлаштириш. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга этилган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Расулов А.Р., Хикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Основы гидрологии. – Ташкент: Университет, 2003. – 328 б.

Шульц В.Л., Мауранов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 328 б.

Umirzakov G., Omonov N. Iqlim o'zgarishi sharoitida meteorologik qurg'oqchiliklar takrorlanishini baholash / "Geografik tadqiqotlar: innavatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 15-16 aprel 2022 y. – B. 546-550.

Umirzakov G., Raxmonov K., Omonov N. Meteorologik va gidrologik qurg'oqchiliklar orasidagi bog'lanishni statistik baholash // *Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi.* №4. 2021. – B. 52-63

Umirzakov G., Remesan R., Rakhmonov K., Mujumdar S., Omonov N. Forecasting hydrological drought by meteorological drought indices in Chirchik River Basin / "Iqlim o'zgarishi sharoitida gidrometeorologik tadqiqotlar: dolzarb muammolar va ularning yechimlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 3-4 iyun 2022 y. – B. 92-96.

Barlow M., Cullen H., Lyon B. Drought in central and southwest Asia: La Nina, the warm pool, and Indian Ocean precipitation // *Journal of Climate,* V. 15, 2002. – PP. 697-700.

Hersbach H., Bell B., Berrisford P., Hirahara S., Horányi A., Muñoz-Sabater J., Nicolas J., Peubey C., Radu R., Schepers D. The ERA5 global reanalysis // *Q.J.R. Meteorol. Soc.,* 146, 2020. – PP. 1999–2049.

Chen H., Sun J. Changes in drought characteristics over China using the standardized precipitation evapotranspiration index // *Journal of Climate,* V. 28, 2015. – PP. 5430-5447.

Luo H., Ge F., Yang K., Zhu S., Peng T., Cai W., Liu X., Tang W. Assessment of ECMWF reanalysis data in complex terrain: Can the CERA-20C and ERA-Interim data sets replicate the variation in surface air temperatures over Sichuan, China? // *Int. J. Clim.,* 39, 2019. – PP. 5619-5634.

Martins D.S., Paredes P., Raziei T., Pires C., Cadima J., Pereira L.S. Assessing reference evapotranspiration estimation from reanalysis weather products. An application to the Iberian Peninsula // *Int. J. Clim.,* 37, 2017. – PP. 2378–2397.

Lehman A. *Imp for Basic Univariate and Multivariate Statistics: A Step-by-step Guide.* Cary, NC: SAS Press., 2005. – 123 p.

McKee, Thomas B., Nolan D., John K. The relationship of drought frequency and duration to time scales / *Proceedings of the 8th Conference on Applied Climatology,* V. 17, No. 22, 1993. – P. 136.

Mishra A.K., Singh V.P. A review of drought concepts // *Journal of Hydrology,* V. 391, 2010. – PP. 204–216.

Mitchell, T. D., & Jones, P. D. An improved method of constructing a database of monthly climate observations and associated high-resolution grids. // *International Journal of Climatology,* 2005. 25(6). – PP. 693–712.

Montgomery, D.C., Peck, E.A., Vining, G. G. *Introduction to Linear Regression Analysis.* 2012

Patrick E. Drought characteristics and management in Central Asia and Turkey. *FAO Water Reports.* FAO, 2017. – 114 p.

Pearson K. Note on Regression and Inheritance in the Case of Two Parents. / *Proceedings of the Royal Society of London,* 58, 1895. – PP. 240–242.

Sheffield J., Wood E.F. Characteristics of global and regional drought, 1950-2000: analysis of soil moisture data from off-line simulation of the terrestrial hydrologic cycle // *Journal of Geophysical Research,* V. 112, 2007. D17115.

Spearman C. The Proof and Measurement of Association Between Two Things. // *The American Journal of Psychology,* 15(1), 1905. – PP. 72–101.

Svoboda M.D., Brian A.F. *Handbook of drought indicators and indices.* Geneva, Switzerland:

World Meteorological Organization, 2016.

Tallaksen L.M., Van Lanen H.A.J. Hydrological Drought: Processes and Estimation Methods for Streamflow and Groundwater. Developments in Water Science, 2004. 48.

Guo H., Bao A., Ndayisaba F., Liu T., Jiapaer G., El-Tantawi A.M., De Maeyer P. Space-time characterization of drought events and their impacts on vegetation in Central Asia // Journal of Hydrology, V. 564, 2018. – PP.1165-1178.

Harris T.J. Osborn, Jone P., Lister D. Version 4 of the CRU TS monthly high-resolution gridded multivariate climate dataset // Scientific Data, 2020. 7:109.

Haslinger K., Koffler D., Schöner W., Laaha G. Exploring the link between meteorological drought and streamflow: Effects of climate-catchment interaction // Water Resources Research, 50(3), 2014. – PP. 2468-2487.

Vicente-Serrano S.M., Beguería S., López-Moreno J.I. A multi-scalar drought index sensitive to global warming: The standardized precipitation evapotranspiration index. // Journal of Climate, 2010. 23(7). – PP. 1696-1718.

Wu J., Chen X., Yao H., Gao L., Chen Y., Liu M. Non-linear relationship of hydrological drought responding to meteorological drought and impact of a large reservoir // Journal of Hydrology, V. 551, 2017. – PP. 495-507.

Wilks D.S. Statistical Methods in the Atmospheric Sciences // International Geophysics, V. 91, 3rd ed., Academic, Burlington, Mass, 2011. – 676 p.

Электрон ресурс:

CRU TS Version 4.06. URL: https://crudata.uea.ac.uk/cru/data/hrg/cru_ts_4.06

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ДАННЫХ ПРИ РАСЧЕТЕ ИНДЕКСОВ ЗАСУХИ

Н.О. ОМОНОВ¹, Г.У. УМИРЗАКОВ^{1,2}, К.Р. РАХМОНОВ²,

¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, oomonov506@gmail.com, g.umirzakov@gmail.com

² Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, komiljons@mail.ru

Аннотация. Настоящая статья посвящена определению индексов засухи в бассейне реки Пскем. В исследовании использовались данные базы Climatic Research Unit (CRU). Для оценки надежности данных CRU была проведена сравнительная проверка с наблюдениями метеорологических станций. В результате сопоставления были выявлены различия и степень корреляции между метеорологическими данными, полученными двумя разными методами, и проведен соответствующий анализ.

С помощью географических информационных систем (ГИС) были определены границы бассейна реки Пскем и собраны данные CRU, полностью охватывающие этот район. На основе этих данных были рассчитаны индексы засухи и выполнен статистический анализ. Были изучены возможности прогнозирования засухи на основе статистической взаимосвязи между атмосферными осадками и речным стоком. Для оценки качества прогноза использовался индекс Hit Score.

Результаты исследования подтверждают высокую эффективность данных CRU для анализа засухи и других климатических исследований. Особенно это актуально для районов, где отсутствуют метеорологические станции или имеются пропуски в наблюдательных данных. Использование данных CRU позволяет восстанавливать и расширять климатические ряды, что способствует совершенствованию мониторинга климатических изменений и водных ресурсов в речном бассейне.

Ключевые слова: река, речной бассейн, атмосферные осадки, речной сток, индексы засухи CRU, SPI и SSI, статистическая зависимость, Hit Score, коэффициенты корреляции Пирсона и Спирмана.

OPPORTUNITIES TO USE OF THE INTERNATIONAL DATA IN CALCULATING DROUGHT INDICES**N.O. OMONOV¹, G.U. UMIRZAKOV^{1,2}, K.R. RAKHMONOV²**¹ Hydrometeorological Research Institute, oomonov506@gmail.com, g.umirzakov@gmail.com² National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, komiljons@mail.ru

Abstract. *This article is dedicated to the identification of drought indices in the Piskom River Basin. The study utilized data from the Climatic Research Unit (CRU) database. To assess the reliability of the CRU data, a comparative analysis was conducted against observations from meteorological stations. This comparison revealed differences and the degree of correlation between meteorological data obtained through two different methods, and a comprehensive analysis was performed.*

Using Geographic Information Systems (GIS), the boundaries of the Piskom River Basin were delineated, and CRU data covering the entire basin were collected. Based on these data, drought indices were calculated and statistical analyses were carried out. The potential for drought forecasting was examined through statistical relationships between atmospheric precipitation and river discharge. The Hit Score index was applied to evaluate the quality of the forecasts.

The results of the study confirm the high effectiveness of the CRU database for drought analysis and other climate-related research. This is especially valuable in regions where meteorological stations are absent or where observation data are incomplete. The use of CRU data enables the reconstruction and extension of climatic records, thereby enhancing the monitoring of climate change and water resources in the river basin.

Keywords: *river, river basin, precipitation, river flow, CRU, SPI and SSI drought indices, statistical linkage, Hit Score, Pearson and Spearman correlation coefficients.*

REFERENCES

Rasulov A.R., Khikmatov F.X., Aytboev D.P. Hidrologiya asoslari [Fundamentals of Hydrology]. – Toshkent: Universitet, 2003. – 328 b. (in Uzbek)

Shuls V.L., Mashrapov R. Orta Osiyo gidrografiya [Hydrography of Central Asia]. – Toshkent: Oqituvchi, 1969. – 328 b. (in Uzbek)

Umirzakov G., Omonov N. Iklim ozgarishi sharoitida meteorologik kurgokchiliklar takrorlanishini baholash [Assessment of the recurrence of meteorological droughts in climate change conditions] / “Geografik tadqiqotlar: Innavatsion goyalar va rivojlanish istikbollari” mavzusidagi xalkaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 15-16 aprel 2022 y. – B. 546-550. (in Uzbek)

Umirzakov G., Rahmanov K., Omonov N. Meteorologik va gidrologik kurgokchiliklar orasidagi boglanishlarni statistik baholash [Statistical assesment of the connection between meteorological and hydrological droughts] // Hidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi, №4, 2021. – B. 52-63. (in Uzbek)

Electronic resource:

CRU TS Version 4.06. URL: https://crudata.uea.ac.uk/cru/data/hrg/cru_ts_4.06

УДК: 551.5:631.67(575.1)

**ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ТЕРМИК РЕСУРСЛАР ТАҚСИМОТИ
(КУЗГИ БУҒДОЙ ЎСИМЛИГИ МИСОЛИДА)****Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2*}, Г.Х. ХОЛБАЕВ^{1,2}, Э.Ю. РАХИМОВ³**¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, b.xolmatjanov@nuu.uz² Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, khgulmon@mail.ru³ Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти, yurakhimov@gmail.com

Аннотация. Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари маркази (ECMWF) ERA5 реанализ базасининг 1991-2020 йиллар учун 30 йиллик маълумотлари асосида Ўзбекистон ҳудудида ҳаво ҳароратининг кузда ва баҳорда 3,0°C дан ўтиши саналари, 3,0°C дан юқори ҳароратли кунлар давомийлиги ҳамда фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндилари ҳисобланди. Ҳисоблаш натижалари асосида ушбу кўрсаткичларнинг тақсимот карталари тузилди. Олинган натижалар кузда ҳаво ҳароратининг 3,0°C дан пасайиши ва баҳорда кўтарилиши саналарининг энг кеч муддатлари республиканинг шимоли-ғарбий минтақаларига, энг эрта муддатлари эса жанубий ва шарқий минтақаларига тўғри келишини кўрсатди.

Таҳлил қилинган 30 йиллик давр учун ўртачаланган ҳаво ҳарорати 3,0°C дан юқори бўлган кунлар давомийлиги шимолий минтақаларда 225 кун, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Фарғона водийсида эса 260 кундан ортиқни ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида 3,0°C дан юқори бўлган кунлардаги фаол ҳароратлар йиғиндилари республика шимолида 4000-5000°C, Фарғона водийсида 5000-5500°C, Навоий вилоятининг жануби, Қашқадарё вилоятининг ғарби ва Сурхондарё вилоятининг жанубида 5500°C дан юқори эканлиги аниқланди. Самарали ҳароратлар йиғиндилари бу қийматлардан пастроқ кўрсаткичларга эга эканлиги кўрсатилди.

Калит сўзлар: ERA5 реанализ базаси, ҳаво ҳароратининг 3,0°C дан ўтиши саналари, вегетация даври, фаол ҳарорат, самарали ҳарорат.

Қириш. Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳам қамраб олмоқда. Чекланган ер ва сув ресурслари шароитида қишлоқ хўжалиги фаолиятини оқилона ташкил этиш иқлим шароитларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда мавжуд ресурсларни баҳолаш ва улардан самарали фойдаланишга янгича ёндашувларни жорий этишни тақозо этади [Абдуллаев ва бошқ., 2001; Группер, 1998; Назаров ва бошқ., 2009; Холбаев, 2025].

Қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетация даврида метеорологик катталикларнинг ўзгаришлари, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш муайян ҳудудларда қишлоқ хўжалигига агрометеорологик хизмат кўрсатиш, уни такомиллаштириш ва шу орқали қишлоқ хўжалиги ривожланиш истиқболларини белгилашга хизмат қилади. Бу мақсадда картографик усуллар ёрдамида иқлимий ресурсларни тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мазкур вазифаларни ижобий ҳал қилишда ГАТ технологиялари жаҳон миқёсида тобора кенг қўлланилмоқда [Сафаров ва бошқ., 2021; Авезов С.А. ва бошқ., 2022; Safarov ва бошқ., 2020; Эгамбердиев ва бошқ., 2020; Болтаев ва бошқ., 2015; Abdullayev ва бошқ., 2016].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда суғориладиган ҳудудларда кузги буғдой вегетация даври, бу давр учун термик ресурсларни аниқлаш ва баҳолашда картографик усулларни қўллаш долзарб вазифа ҳисобланади. Мазкур эҳтиёжни инобатга олиб республикада мавжуд суғориладиган экин майдонларида кузги буғдой етиштиришда

* Масъул муаллиф: b.xolmatjanov@nuu.uz, тел.: +998 99 878-51-27

вегетация даврини (ҳаво ҳароратининг кузда ва баҳорда 3°C дан ўтиши, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндиси) баҳолашда картографик усулни қўллаш ишнинг **мақсади**, вилоятлар кесимида суғориладиган экин майдонларининг ўзгариш динамикаси ва ердан фойдаланишда термик ресурсларни таҳлил қилиш ҳамда замонавий дастурлар ёрдамида тақсимот карталарини тузиш тадқиқотнинг **вазифалари** сифатида белгиланди.

Мамлакатимизнинг суғорма экин майдонларида етиштириладиган кузги буғдойнинг вегетация даври тадқиқотнинг **объекти**, мазкур даврда термик ресурсларнинг тақсимотини аниқлаш масаласи ишнинг **предметини** ташкил этади.

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари маркази (ECMWF) ERA5 реанализ базасининг 1991-2020 йиллар учун ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланилди [Welcome ...]. Ҳаво ҳароратининг кузда ва баҳорда 3,0°C дан ўтиш саналари ҳамда фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндиларини ҳисоблаш ва карталаштириш Python дастурлаш тилида ёзилган муаллифлик дастури ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоблашлар агроиқлимшуносликда фойдаланиладиган услублар асосида бажарилди [Абдуллаев ва бошқ., 2009].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик олиб бориладиган минтақаларида ERA5 реанализ базасининг ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланиш мумкинлиги муаллифларнинг илгари бажарилган тадқиқотларида асослаб берилган [Рахимов ва бошқ., 2023].

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонлари қуйидаги кенглик ва узунлик чегараларида жойлашган: I минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) 41°- 43° ш.к. ва 59°-62° шқ.у., II минтақа (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) 37°-39° ш.к. ва 65°-68° шқ.у., III минтақа (Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари) 39°-41° ш.к. ва 63°-70° шқ.у., IV минтақа (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари) 40°-43° ш.к. ва 70°-73° шқ.у.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ортиб бориши суғориладиган ерларнинг маълум қисмини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун ажратишни тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган вилоятларида суғориладиган ер майдонларининг 2014 йилга нисбатан ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Республикада 2014 йилда суғориладиган ер майдонлари 3298,5 минг га бўлса, 2019 йилга келиб улар 1,10% га қисқариб, 3262,2 минг га ни ташкил этган. 2019 йилда 2014 йилга нисбатан суғориладиган ер майдонларининг энг катта қисқариши I минтақада 18,02% (Хоразм вилояти), II минтақада 0,85% (Қашқадарё вилояти), III минтақада 2,26% (Самарқанд вилояти) ва IV минтақада 3,16% (Наманган вилояти) содир бўлган. Бу ўзгаришлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш ҳамда ҳукумат қарорлари ва дастурлари асосида бошқа экинлар (интенсив боғлар, узумзорлар, сабзавот ва ҳоказо) барпо қилиш ҳисобига амалга ошган.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, маҳсулдорлик элементларининг тўпланиши ва ҳосилнинг шаклланишида асосий агрометеорологик, агроиқлимий ва иқлимий омил иссиқлик ҳисобланади. Ўсимликларнинг намликка бўлган талаби суғориш орқали таъминланади. Суғориладиган ерларда етиштириладиган асосий экинлар – ғўза, шולי ва кузги буғдойдир. Ғўза ва шолининг навларига боғлиқ ҳолда ҳудудлар бўйича оптимал экиш муддатлари 1-20 май, экиш-мум пишишнинг ўртача давомийлиги 88 -126 кун, самарали ҳароратлар йиғиндиси 960-1390°C, фаол фотосинтетик радиация (ФФР) миқдори 1110-1730 МЖ/м², лалмикор ерларда етиштириладиган кузги буғдой навлари учун экиш-бошоқлаш-мум пишиш даврининг давомийлигини 210 - 227 кун эканлиги

кўп сонли илмий манбалардан маълум [Абдуллаев ва бошқ., 2001; Группер 1998; Назаров ва бошқ., 2009; Холбаев, 2025].

1-жадвал

Ўзбекистонда суғориладиган экин майдонларининг ўзгариши (%)

Таблица 1

Изменение площади орошаемых пахотных земель в Узбекистане (%)

Table 1

Change in the area of irrigated arable land in Uzbekistan (%)

Минтақа	Вилоятлар	Минг га	1 январь ҳолатига ер майдонларининг ўзгариши, %				
			2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
I	Қорақалпоғистон Республикаси	423,4	-1,51	-1,25	-1,28	-1,16	-1,20
	Хоразм вилояти	250,3	-17,70	-17,58	-17,62	-17,90	-18,02
II	Қашқадарё вилояти	421,2	-0,12	-0,17	-0,17	-0,33	-0,85
	Сурхондарё вилояти	241,2	-0,08	-0,12	-0,33	-0,54	-0,79
III	Бухоро вилояти	200,7	0,05	0,05	0,25	-0,50	-0,60
	Навоий вилояти	91,0	-0,33	0,11	0,44	0,77	0,66
	Самарқанд вилояти	252,7	0,04	-0,32	-1,50	-2,45	-2,26
	Жиззах вилояти	262,6	-0,19	-0,34	-0,57	-0,72	-1,45
	Сирдарё вилояти	250,4	-0,04	-0,24	-0,28	-0,20	-0,40
	Тошкент вилояти	302,1	-0,13	-0,86	-1,06	-1,42	-2,12
	Анджон вилояти	203,3	-0,30	-0,15	-0,39	-0,44	-0,59
IV	Фарғона вилояти	248,0	-0,08	-0,12	-0,12	-0,12	-0,20
	Наманган	196,2	-0,87	-1,58	-1,89	-2,40	-3,16
	Жами	3298,5	-0,31	-0,42	-0,58	-3,84	-1,10

Ўзбекистон вилоятлари табиий географик ва тупроқ-иқлим шароитлари билан бир-бирларидан фарқланади. Бирок, ўз навбатида вилоятлар ҳудудлари ҳам бир хил табиий шароитли районлардан ташкил топмаган. Шу сабабли, ҳар бир районда ўсимлик навларини ташқи муҳитга мос келишига қараб танлаш амалиётда кенг қўлланилади. Бунда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экишнинг мақбул муддатлари ўсимлик турларининг ривожланиши учун етарли ҳисобланган ҳаво ва тупроқ ҳароратини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Агроиқлимшуносликнинг умумий районлаштириш бўлимида иқлимий катталиклар ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишига мос ҳолда районлаштиришда эътибор асосан умумий вегетация даврининг давомийлигига қаратилади. Вегетация даврининг бошланиши ва тугашини аниқлашда ҳаво ҳароратининг муайян даражадан баҳорда кўтарилиши ва кузда пасайиш санаси ораллигидаги давомийлик, фаол ҳамда самарали ҳарорат йиғиндилари каби иқлимий катталикларнинг тақсимоти асосида районларга ажратилади [Назаров ва бошқ., 2009; Холбаев, 2025]. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунгача суғориладиган ҳудудларда кузги буғдой ўсимлиги вегетация давринининг радиацион ва термик ресурсларини тўлик қаралаштириш ишлари бажарилмаган.

Тадқиқот натижасида кўп йиллик ERA5 реанализ базаси маълумотлари асосида илк бор ҳаво ҳароратининг кузда ва баҳорда 3,0°C дан ўтиш саналари, 3,0°C дан юқори ҳароратли кунлар давомийлиги, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндилари карталари тузилди.


Республикамизнинг суғориладиган майдонларида кузда ҳаво ҳароратининг 3,0°C дан пасайиш саналарининг энг кеч муддатлари Қорақалпоғистон Республикаси,

Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг шимолий худудларида, энг эрта муддатлари эса республиканинг жанубий ва шарқий худудларида кайд этилади. Бу муддатлар мос равишда октябрнинг тўртинчи бешкунлигидан декабрнинг учинчи бешкунлиги оралиғида ўзгариб туради (1-расм).

Баҳорда ҳаво ҳароратининг 3°C дан кўтарилиш саналарининг энг кеч муддатлари, кузда бўлгани каби, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг шимолий худудларида, энг эрта муддатлари эса республиканинг жанубий ва шарқий худудларида кузатилади. Улар мартнинг бешинчи бешкунлигидан январнинг иккинчи бешкунлигигача бўлган вақт оралиқларига мос келади (2-расм).

Кўп йиллик (1991-2020 йй.) давр учун ўртачаланган ҳаво ҳарорати $3,0^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлар давомийлиги тақсимот картаси 3-расмда келтирилган. Республикамининг тоғли худудларини эътиборга олмаган ҳолда суғориладиган ерларда етиштириладиган кузги буғдой учун бундай кунлар таҳлилининг кўрсатишича, энг қисқа давомийлик кўрсаткичлари шимолий худудларга тўғри келиб 225 кунни, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларида эса бундай кунлар давомийлиги энг катта бўлиб, 260 кундан ортиқни ташкил этиши аниқланди.


Ўсимликларнинг иссиқлик таъминотини аниқловчи термик ресурсларни баҳолашда ўртача ҳаво ҳароратининг муайян даражалардан юқори бўлган давр давомидаги фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндиси кўрсаткичларидан фойдаланилади. Суғориладиган худудларда етиштириладиган кузги буғдой вегетация даври учун ўртача ҳаво ҳарорати $3,0^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлардаги ҳарорат йиғиндилари термик ресурс кўрсаткичи сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон худудида фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндиси учун тузилган карталар 4-5-расмларда келтирилган.



1-расм. Кузда ҳаво ҳароратининг $3,0^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш саналари

Рис. 1. Даты перехода температуры воздуха через $3,0^{\circ}\text{C}$ осенью


Fig. 1. Dates of air temperature transition through $3,0^{\circ}\text{C}$ in autumn



2-расм. Баҳорда ҳаво ҳароратининг $3,0^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш санаси

Рис. 2. Даты перехода температуры воздуха через $3,0^{\circ}\text{C}$ весной

Fig. 2. Dates of air temperature transition through 3.0°C in spring




3-расм. Ҳаво ҳарорати $3,0^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлар давомийлиги

Рис. 3. Продолжительность дней с температурой воздуха выше $3,0^{\circ}\text{C}$

Fig. 3. Duration of days with air temperature above 3.0°C

Олинган натижалар фаол ҳароратлар йиғиндиси республика шимолида 4000-5000°C, Фарғона водийсида 5000-5500°C, Навоий вилоятининг жануби, Қашқадарё вилоятининг ғарби ва Сурхондарё вилоятининг жанубида 5500°C дан юқори эканлигини кўрсатди (4-расм).

Ўртача ҳаво ҳарорати 3,0°C дан юқори бўлган кунлардаги самарали ҳароратлар йиғиндиси фаол ҳароратлар йиғиндисига нисбатан кичикроқ миқдорларни ташкил этади. Республика шимолида у 3500-4000°C, Фарғона водийсида 4500-5000°C, Қашқадарё вилоятининг ғарби ва Сурхондарё вилоятининг жанубида 5000°C дан юқори кўрсаткичларга эга (5-расм).




4-расм. Ҳаво ҳарорати 3,0°C дан юқори бўлган даврдаги фаол ҳароратлар йиғиндиси

Рис. 4. Сумма активных температур в период с температурой воздуха выше 3,0°C

Fig. 4. Sum of active temperatures during the period with air temperature above 3.0°C

Карталар таҳлилининг кўрсатишича, Ўзбекистон ҳудудида кузда ва баҳорда ҳаво ҳароратининг 3,0°C дан ўтиш саналари, бундай кунли давр давомийлиги, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндисининг тақсмоти жойнинг денгиз сатҳига нисбатан баландлиги ҳамда кенглик ва узунлик қонуниятларига мос келади.

Таъкидлаш жоизки, МДХ Гидрометеорология хизматлари мутахассислари томонидан агроиклимшуносликда кўп йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг баҳор ва кузда муайян (0°, 3°, 5°, 10°, 15°C) даражалардан турғун ўтиши саналари оралиғидаги кунлар сони вегетация даври давомийлиги деб қабул қилинган.



5-расм. Ҳаво ҳарорати $3,0^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган даврдаги самарали ҳароратлар йиғиндиси

Рис. 5. Сумма эффективных температур в период с температурой воздуха выше $3,0^{\circ}\text{C}$

Fig. 5. Sum of effective temperatures during the period with air temperature above 3.0°C

Хулоса. Бажарилган тадқиқот натижалари Ўзбекистон ҳудудида куз ва баҳорда ҳаво ҳароратининг $3,0^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш саналари, бундай кунли давр давомийлиги, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндисининг тақсимооти географик кенглик ва баландлик бўйича зоналик қонуниятларига мос келишини кўрсатди.

Аниқланган термик ресурслар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида суғорма ер майдонларида кузги буғдой етиштириш учун етарли эканлиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган карталар Ўзбекистон ҳудудида ҳаво ҳароратининг куз ва баҳорда $3,0^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш саналари, кузги буғдой вегетация даврининг давомийлиги, фаол ва самарали ҳароратлар йиғиндисининг тақсимооти билан иш юритувчи мутахассислар томонидан амалиётда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, олинган натижалардан келгусида қишлоқ хўжалиги соҳасида радиацион ва термик ресурсларни тўлиқ қамраб олувчи “Ўзбекистон агроиклимий ресурслари” атласини тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Миннатдорлик. Тадқиқот Инновацион ривожланиш агентлигининг молиявий кўмагида бажарилаётган АЛ-5721122072 «Қишлоқ хўжалиги, сув ва энергия ресурсларини барқарор ривожлантириш учун ер усти кузатувлари ва геостационар метеорологик сунъий йўлдошлардан олинган куёш радиацияси маълумотларидан комплекс фойдаланиш» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Муаллифлар ҳиссаси. **Б.М. Холматжанов:** мақола ғояси, раҳбарлик, мақолани расмийлаштириш. **Г.Х. Холбаев:** маълумотлар базасини шакллантириш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш. **Э.Ю. Рахимов:** ҳисоблаш дастурини ёзиш, ҳисоблаш

ишлари, карталарни тайёрлаш. Барча муаллифлар кўлёманинг нашрга тавсия этилган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилигини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Абдуллаев Х.М., Холбаев Г.Х. Агrometeorologicheskie условия и продуктивность риса в Узбекистане. – Ташкент: САНИГМИ, 2001. – 150 с.

Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Сафаров Э.Ю. Агrometeorologiyada муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани кўллаш, ЭХМ ва Географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. – Тошкент: НИГМИ, 2009. – 150 б.

Авезов С.А., Қаландаров У.С. Хоразм вилояти шоли экин далаларини географик ахборот тизимлари ёрдамида карталаштириш / “Худудларнинг барқарор ривожланишини геоахборот жиҳатдан таъминлаш” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2022 йил 26 октябрь. – Б. 56-61.

Болтаев Т.Х., Рахмонов Қ., Акбаров М.С. Геоахборот тизимининг илмий асослари. – Тошкент: Университет, 2016. – 284 б.

Группер С.Р. Агrometeorologicheskaya оценка продуктивности озимой пшеницы в Узбекистане. – Ташкент: САНИГМИ, 1998. – 156 с.

Назаров Р.С., Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х. Ўзбекистонда ғўза агротехникаси, агроиклимий шароитлар ва ресурслар. – Тошкент: ГМИТИ, 2009. – 163 б.

Рахимов Э.Ю., Омонов Б.Ю., Холматжанов Б.М., Абдиқулов Ф.И., Бегматов С.У., Махмудов И.М. Ўзбекистонда NASA POWER ва ERA5 базалари ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги, №3, 2023. – Б. 8-20.

Сафаров Э.Ю., Авезов С.А., Қаландаров У.С. Қишлоқ хўжалиги электрон хариталарини яратишнинг замонавий технологиялари ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 59-жилд, 2021. – Б. 140-144.

Холбаев Г.Х. Иқлим ўзгариши шароитида суғориладиган худудларда кузги буғдой етиштиришда радиацион ва термик ресурсларни баҳолаш. – Тошкент: Impress media, 2025. – 221 б.

Эгамбердиев А., Ибрагимов Ж.К. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда харитага олиш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 57-жилд, 2020. – Б. 311-316.

Эгамбердиев А., Қаландаров У.С. Қишлоқ хўжалик хариталарини таснифлаш ҳақида / “Geografik tadqiqotlarda zamonaviy geoinformatsion kartografiya, masofadan zondlash metodlari va texnologiyalarining ro‘li” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Toshkent, 2024-yil 24-26-aprel. – Б. 78-84.

Abdullayev A.K., Babushkin O.L., Xolbayev G.X. Agroiqlimiy rayonlashtirish. O‘zbekiston geografik atlas. – Toshkent: Kartografiya, 2016. – 107 b.

Abdullayev A.Q., Arg‘inboyev H.A., Abdullayev H.U. Fizika va agrometeorologiya (Agrometeorologiya). – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 480 b.

Safarov E.Y., Prenov Sh.M., Allanzorov O.R., Bekanov K.K. Geografik axborot tizimlari. ArcGIS dasturida amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlarini bajarish bo‘yicha o‘quv-uslubiy qo‘llanma. – Toshkent: Universitet, 2020. – 64 b.

Электрон ресурс:

Welcome to the Climate Data Store. URL: <https://cds.climate.copernicus.eu/cdsapp#!/home/>

**РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ТЕРМИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ НА ТЕРРИТОРИИ
УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ)****Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2}, Г.Х. ХОЛБАЕВ^{1,2}, Э.Ю. РАХИМОВ³**¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, b.kholmatjanov@nuu.uz² Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, khgulmon@mail.ru³ Национальный научно-исследовательский институт возобновляемых источников энергии, eyurakhimov@gmail.com

Аннотация. На основе 30-летних данных базы данных реанализа ERA5 Европейского центра среднесрочных прогнозов погоды (ECMWF) за 1991-2020 годы на территории Узбекистана рассчитаны даты переходов температуры воздуха через 3,0°C осенью и весной, продолжительность дней с температурой выше 3,0°C, а также сумма активных и эффективных температур. Полученные результаты дат перехода температуры воздуха через 3,0°C весной и осенью показали, что самые поздние сроки перехода наблюдаются на северо-западе, а самые ранние на южных и восточных территориях республики.

Продолжительность дней со средней температурой воздуха выше 3,0°C за анализируемый 30-летний период составляет в северных регионах 225 дней, в Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областях и Ферганской долине – более 260 дней. Установлено, что сумма активных температур в дни с температурой выше 3,0°C на территории Узбекистана составляет на севере республики 4000-5000°C, в Ферганской долине 5000-5500°C, на юге Навоийской области, западе Кашкадарьинской области и юге Сурхандарьинской области более 5500°C. Показано, что суммы эффективных температур имеют показатели ниже вышеуказанных значений.

Ключевые слова: база реанализа ERA5, даты перехода температуры воздуха через 3,0°C, вегетационный период, активная температура, эффективная температура.

**DISTRIBUTION OF THERMAL RESOURCES IN THE TERRITORY OF
UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF WINTER WHEAT)****B.M. KHOLMATJANOV^{1,2}, G.Kh. KHOLBAEV^{1,2}, E.Yu. RAKHIMOV³**¹ Hydrometeorological Research Institute, b.kholmatjanov@nuu.uz² National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, khgulmon@mail.ru³ National Research Institute of Renewable Energy Sources, eyurakhimov@gmail.com

Abstract. Based on 30-year data from the ERA5 reanalysis database of the European Centre for Medium-Range Weather Forecasts (ECMWF) for 1991-2020, the dates of air temperature exceeding 3.0°C in autumn and spring, the duration of days with temperatures above 3.0°C, and the sum of active and effective temperatures were calculated in Uzbekistan. Based on the calculation results, distribution maps of these indicators were constructed. The obtained results showed that the latest dates for the fall temperature to drop below 3.0°C and the earliest dates for the spring temperature to rise correspond to the northwestern regions of the republic, and the earliest dates correspond to the southern and eastern regions.

The duration of days with an average air temperature above 3.0°C for the analyzed 30-year period is 225 days in the northern regions, and more than 260 days in the Kashkadarya and Surkhandarya regions and Fergana Valley. It was found that the sum of active temperatures on days above 3.0°C in the territory of Uzbekistan is 4000-5000°C in the north of the country, 5000-5500°C in the Fergana Valley, and more than 5500°C in the south of Navoi region, west of Kashkadarya region and south of Surkhandarya region. It is shown that the sums of effective temperatures have values lower than the above values.

Keywords: ERA5 reanalysis database, dates of air temperature exceeding 3.0°C, growing season, active temperature, effective temperature.

REFERENCES

Abdullayev X.M., Xolbayev G.X. Agrometeorologicheskiye usloviya i produktivnost risa v Uzbekistane [Agrometeorological conditions and productivity of rice in Uzbekistan]. – Tashkent: SANIGMI, 2001. – 150 s. (in Russian)

Abdullaev A.K., Kholbaev G.Kh., Safarov E.Yu. Agrometeorologiyada munosabatli tenglamalarni topishda matematik statistikasi qo'llash, EXM va Geografik axborot tizimlaridan foydalanish uchun kursatma [Application of mathematical statistics in finding relational equations in agrometeorology, guide to using PC and geographic information systems]. – Tashkent: NIGMI, 2009. – 150 b. (in Uzbek)

Avezov S.A., Qalandarov U.S. Xorazm viloyati sholi ekin dalalarini geografik axborot tizimlari yordamida kartalashtirish [Mapping of rice fields in Khorezm region using geographic information systems] / Materials of the Republican Scientific and Practical Conference “Ensuring sustainable development of territories through geoinformation”. Tashkent, October 26, 2022. – B. 56-61. (in Uzbek)

Boltaev T.K., Rakhmonov K.R., Akbarov M.S. Geoaxborot tizimining ilmiy asoslari [Scientific bases of Geoinformation systems]. – Tashkent: 2016. – 284 b. (in Uzbek)

Grupper S.R. Agrometeorologicheskaya otsenka produktivnosti ozimoy pshenitsi v Uzbekistane [Agrometeorological evaluation of winter wheat productivity in Uzbekistan]. – Tashkent: SANIGMI, 1998, – 156 s. (in Russian)

Ҳозирги кунда Амударёда сув ўлчаш ишлари, унинг узунлиги бўйича Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари ҳудудларида жойлашган гидрологик постларда амалга оширилади. Уларда тўпланган гидрологик маълумотлар Тожикистон Республикаси, мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни Туркменистон Республикаси иқтисодиёти турли тармоқларининг сув билан таъминлаш муаммолари ечимига хизмат қилади.

Худди шу каби, Сирдарёдаги сув ўлчаш постлари Ўзбекистон, қўшни республикалар – Тожикистон ва Қозоғистон ҳудудларида жойлашган. Уларнинг маълумотлари мамлакатимизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Тожикистон ва Қозоғистон республикалари тегишли вилоятлари иқтисодиётининг сув истеъмолчилари ва ундан фойдаланувчи тармоқлари учун ўта муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда, глобал миқёсда кузатилаётган иқлим илиши жараёни натижасида, ҳар икки дарё сув ресурсларининг йилдан-йилга камайиб бориши кузатилмоқда. Шу билан бирга, қўшни Афғонистон ҳам 2023 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, Қўштепа канали орқали, Амударёдан катта миқдорда сув ола бошлади. Мазкур ҳолатлар келажакда Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимларида жойлашган Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг жанубий вилоятларида сув танқислигининг йилдан-йилга янада кучайиб боришига сабаб бўлиши аниқ. Ушбу масалалар билан боғлиқ ҳолда, Амударё ва Сирдарё оқимига тегишли бўлган тарихий гидрологик маълумотларни тўплаш, уларни бирламчи қайта ишлаш, умумлаштириш, дарёларнинг XX асрнинг II чорагида, аниқроғи 1926-1950 йилларда кузатилган оқими миқдорларидаги ойлик ва йиллик ўзгаришларни таҳлил қилиш, ушбу миқдорларни ҳозирги ҳолат билан солиштириш, улардан тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш **долзарб** масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлиги. Ўрта Осиёнинг бош дарёлари – Сирдарё ва Амударёнинг XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг биринчи ярми ва ундан кейинги даврлардаги гидрологик режимини тадқиқ этишнинг умумий назарий ва услубий масалалари А.К.Проскуряков [Проскуряков, 1953], Г.В.Лопатин [Лопатин, 1957], М.М.Рогов [Рогов, 1968], В.Л.Шульц ва Л.И.Шалатова [Шульц, Шалатова, 1975], И.А.Шикломанов [Шикломанов, 1989] каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган. Кейинчалик, яъни ўтган XX асрнинг охириги чораги ва XXI асрнинг бошларида Орол хавзаси, жумладан, Амударё ва Сирдарё сув ресурсларини баҳолашга оид тадқиқотлар А.А.Рафиқов [Рафиқов, 1981], В.Е.Чуб [Чуб, 2000, 2007], Ф.Э.Рубинова [Рубинова, 2005], Е.Курбанбаев [Курбанбаев, 2011] каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги тадқиқотларни Ф.Ҳ.Ҳикматов [Ҳикматов, 2008, 2020], В.А.Рафиқов [Рафиқов, 2009], Э.И.Чембарисов [Чембарисов, 2016], А.К.Курбаниязов [Курбаниязов, 2017], Р.Т.Хожамуратова [Хожамуратова, 2020], Б.Е.Аденбаев [Аденбаев, 2020, 2021] ва бошқалар давом эттирмоқдалар. Қайд этиш лозимки, юқорида номлари тилга олинган барча олимларнинг тадқиқотларида Амударё ва Сирдарё оқими миқдорларини, XX асрнинг

II чораги, яъни 1926-1950 йиллардаги сув ўлчаш ишлари маълумотларига таянган ҳолда, баҳолаш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган.

Мазкур тадқиқотнинг асосий **мақсади** Амударё ва Сирдарё гидрологик режимини XX асрнинг II чорагида бажарилган стационар гидрологик кузатишлар маълумотлари асосида ўрганиш ва қиёсий баҳолашга қаратилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқотда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ўз ечимини топди: 1) Амударёнинг Керки ҳамда Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постларида 1926-1955 йилларда бажарилган сув ўлчаш ишлари маълумотларини тўплаш; 2) тўпланган гидрологик маълумотларни таҳлил қилиш, сув сарфлари кузатишларидаги узилишларни аниқлаш ва тиклаш ҳамда уларни бир маъноли қаторларга келтириш учун анолог дарёни аниқлаш; 3) ишда белгиланган ҳисоб даври учун хос бўлган характерли сувли йилларни аниқлаш, улар оқими миқдорларининг йиллараро тебраниши ва йил давомида ойлар бўйича тақсимланишини баҳолаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг **тадқиқот объектини** Амударёнинг Керки ҳамда Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постларида кузатилган ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари маълумотлари ташкил этади. Ушбу гидрологик постларда амалга оширилган сув ўлчаш ишлари натижаларини таҳлил қилиш, сув сарфларининг ойлик ва йиллик миқдорий ўзгаришларини баҳолаш ҳамда улардан тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш масалалари тадқиқотнинг **предметини** белгилайди.

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Ишни бажариш жараёнида Амударёнинг Керки ҳамда Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постларида 1926-1955 йилларда кузатилган сув сарфи маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотда географик таққослаш, гидрологик ўхшашлик, ўрганилаётган дарёлар сув сарфларидаги узилишларни тиклашда математик статистика усуллари, улар оқими миқдорларининг йиллараро ўзгарувчанлигини ҳамда йил давомида тақсимланишини баҳолашда эса замонавий гидрологик ҳисоблашлар усуллари қўлланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Олдинги тадқиқотимизда Амударё ва Сирдарё оқими миқдорларини уларда XX асрнинг I чораги, яъни 1901-1925 йилларда амалга оширилган илк стационар гидрологик кузатиш маълумотлари асосида баҳолаш масалалари кўриб чиқилган эди [Умаров, Ҳикматов, 2024]. Мазкур тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқилган бўлса, дастлаб Керки ва Бекобод гидрологик постларида ишда белгилаб олинган ҳисоб даврида аниқланган узилишларни тўлиқ тиклаш лозим бўлади. Шу мақсадда ҳар икки постларга тегишли бўлган сув сарфи маълумотлари таҳлил қилинди. Натижада Сирдарёнинг Бекобод гидропостида сув сарфини ўлчаш ишларининг 1926-1955 йиллар оралиғида анча сифатли бажарилганлиги аниқланди. Бироқ, 1948 йилга келиб, Сирдарё ўзанида Фарход ГЭСнинг қурилиши бошланди. Бунинг оқибатида, яъни антропоген омил таъсирида дарёнинг сув режими элементлари сезиларли даражада ўзгарди. Мазкур, 1948-1955 йиллардаги сув сарфи маълумотлари тикланиб, бир маъноли қаторга келтирилди. Бунинг учун Деривация канали ва Бекобод гидропостларида кузатилган сув сарфлари маълумотларининг йиғиндиси аниқланиб, ҳисоблаш ишлари давом эттирилди.

Амударёнинг Керки гидрологик постида сув сарфларини кузатиш ишлари 16 йил, яъни 1926-1932, 1935-1937 ва 1953-1955 йиллар давомида маълум узилишлар билан олиб борилган. Жумладан, 1933 йилнинг дастлабки 2 ойида (январь-февраль) кузатишлар амалга оширилмаган, сўнг март-ноябрь ойларида давом эттирилган ва декабрга келиб, яна тўхтатилган. Шунингдек, 1934 йилда 7 ой (январь-февраль, июнь-сентябрь, декабрь), 1952 йилда 6 ой (январь-июнь) давомида сув сарфлари ўлчанмаган. Айниқса, 1938-1951 йилларда, яъни 14 йил давомида сув ўлчаш ишларида тўлиқ узилишлар мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Керки ва Бекобод гидрологик постларида 1926-1955 йиллар давомида бажарилган сув ўлчаш ишлари ҳақида маълумот

Таблица 1

Сведения о водомерных работах, выполненных на гидрологических постах Керки и Бекабад в 1926-1955 гг.

Table 1

Information on water measurement works carried out at the Kerki and Bekabad hydrological posts in 1926-1955

Гидрологик постлар	Сув сарфлари ўлчанган йиллар ва ойлар
Керки	1926-1932 (I-XII), 1933 (III-XI), 1934 (III-V, X-XI), 1935-1937 (I-XII), 1952 (VII-XII), 1953-1955 (I-XII)
Бекобод	1926-1928 (I-XII), 1929 (III- XII), 1930 (III-XII), 1931 (II-XII), 1932 (I-XII), 1933 (III-XII), 1934-1955 (I-XII)


Изоҳ: Керки ва Бекобод гидрологик постларида 1938-1951 йиллар учун сув сарфи маълумотлари йўқ.

Примечание: отсутствуют данные о расходах воды за 1938-1951 гг по гидропостам Керки и Бекабад.

Note: There are no data on water consumption for 1938-1951 in Kerki and Bekabad hydroposts.

Амударёнинг Керки гидрологик постидан фаркли равишда, Сирдарёнинг Бекобод гидропостида сув сарфини ўлчаш ишлари 1910-1955 йиллар оралиғида, юқорида таъкидлаганимиздек, анча сифатли бажарилган. Мазкур пост кузатувларида биз кўриб чиқаётган ҳисоб даврида, фақатгина 1929-1930 йилларда январь–февраль, 1931 йилда февраль, 1933 йилда ҳам январь–февраль ойларидагина узилишлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал). Ушбу ижобий ҳолат Амударёнинг Керки гидрологик постида бажарилган сув сарфларини ўлчаш ишларидаги узилишларни тиклашда Сирдарёнинг Бекобод гидропости маълумотларидан аналог сифатида фойдаланиш имкониятини яратди.

Амударёнинг Керки постида ўлчанган ўртача ойлик сув сарфларидаги узилишлар мазкур пост (Q_{KI}) ва Бекобод (Q_{BI}) постлари орасидаги боғланишлар асосида тикланди. Хусусан, Керки постидаги ойлик сув сарфларини тиклашда $\bar{Q}_{KI}=f(\bar{Q}_{BI})$ боғланишлардан фойдаландик, ифодадаги $i=I, II, \dots, XII$ ойларнинг белгисидир (1-расм).



1-расм. Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод) дарёлари ўртача ойлик сув сарфларининг боғланиш графиклари

Рис. 1. Графики связи средних месячных расходов воды рек Амударья (Керки) и Сырдарья (Бекабад)

Fig. 1. Graphs of the relationship between the average monthly water flow rates of the Amu Darya (Kerki) and Syr Darya (Bekabad) rivers

Юқоридаги графикларда келтирилганидек, Керки ва Бекобод гидропостларида ўлчанган ўртача ойлик сув сарфлари орасидаги боғланишларнинг жуфт корреляция коэффициентлари январь ойи учун $r=0,706\pm 0,080$ га, июнда $r=0,778\pm 0,055$ га тенг бўлди. Ушбу боғланишлар зичлигининг статистик кўрсаткичи, яъни жуфт корреляция коэффициентлари ва уларнинг хатоликлари барча ойлар учун аниқланди. Ҳисоблашлар компьютерда стандарт дастурлар асосида амалга оширилди ва боғланишларнинг регрессия тенгламалари тузилди (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўрганилаётган гидрологик постларда ўлчанган ўртача ойлик сув сарфлари орасидаги боғланишлар зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг энг каттаси март ойига тўғри келди ($0,808\pm 0,047$). Ушбу натижани ҳар икки дарё оқимининг ҳосил бўлишида бир хил омиллар – баҳорги ёғинлар ва қор қопламанинг эришидан ҳосил бўлган сувлар иштироки билан изоҳлаш мумкин.

Боғланишлар зичлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичнинг энг кичик қиймати эса сентябрь ойига тегишли бўлди ($0,215\pm 0,131$). Маълумки, сентябрь Амударёда тўлинсув даврининг охириги ойи ҳисобланади, Сирдарё эса бу ойда межень даврига ўтади. Юқоридаги рақамнинг сабаби шу ҳолат бўлиши мумкин.

2-жадвал

Дарёлар ўртача ойлик сув сарфлари орасидаги боғланишларнинг регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги кўрсаткичлари

Таблица 2

Уравнения регрессии связей между средними месячными расходами воды рек и показатели их точности

Table 2

Regression equations of relationships between average monthly water discharges of rivers and indicators of their accuracy

Т.р.	Ойлар	n	Регрессия тенгламалари	$r \pm \sigma_r$
1	Январь	18	$Q_{KI} = 1,3366 Q_{BI} + 326,01$	$0,706 \div 0,080$
2	Февраль	19	$Q_{KII} = 0,8684 Q_{BII} + 458,45$	$0,565 \div 0,105$
3	Март	24	$Q_{KIII} = 1,9423 Q_{BIII} + 198,58$	$0,808 \div 0,047$
4	Апрель	23	$Q_{KIV} = 1,954 Q_{BIV} + 680,55$	$0,627 \div 0,085$
5	Май	23	$Q_{KV} = 1,5083 Q_{BV} + 1470,4$	$0,769 \div 0,057$
6	Июнь	23	$Q_{KVI} = 1,6707 Q_{BVI} + 1957,7$	$0,778 \div 0,055$
7	Июль	24	$Q_{KVII} = 1,6681 Q_{BVII} + 2862$	$0,548 \div 0,098$
8	Август	24	$Q_{KVIII} = 0,815 Q_{BVIII} + 3252,6$	$0,378 \div 0,118$
9	Сентябрь	24	$Q_{KIX} = 1,2066 Q_{BIX} + 1826,6$	$0,215 \div 0,131$
10	Октябрь	25	$Q_{KX} = 0,9772 Q_{BX} + 838,34$	$0,466 \div 0,105$
11	Ноябрь	26	$Q_{KXI} = 1,0214 Q_{BXI} + 557,5$	$0,548 \div 0,087$
12	Декабрь	22	$Q_{KXII} = 1,2501 Q_{BXII} + 407,01$	$0,668 \div 0,079$

Изоҳ: n – параллел кузатиш йиллари сони; $r \pm \sigma_r$ – корреляция коэффициентлари ва унинг хатолиги.

Примечание: n – число лет параллельных наблюдений; $r \pm \sigma_r$ – коэффициент корреляции и его ошибка.


Note: n – number of years of parallel observations; $r \pm \sigma_r$ – correlation coefficient and its error.

Таъкидлаш лозимки, жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари 12 та ойнинг март ойида $r > 0,800$, январь, май-июнь ойларида $0,700 < r < 0,800$, апрель, декабрь ойларида $0,600 < r < 0,700$, февраль, июль, ноябрь ойларида $0,500 < r < 0,600$, яна учта ойда эса $0,300 < r < 0,400$ шартларини бажарди. Таҳлиллар натижаларига кўра, жуфт корреляция

коэффициентларининг энг катта қийматлари дарёларда тўлинсув даври ойларига тўғри келганлигини кўрсатди. Ижобий натижалар ($r > 0,500$) олинган ойларга тегишли бўлган боғланишларнинг регрессия тенгламалари ёрдамида Керки постида ойлик сув сарфларини ўлчаш ишларидаги узилишлар тикланди. Юқоридаги 2-жадвалда келтирилган боғланишларнинг регрессия тенгламалари ёрдамида дастлаб ўртача ойлик, сўнг, уларнинг қийматлари асосида, ўртача йиллик сув сарфлари тикланди.

Шунингдек, тадқиқотимизда Амударёнинг Керки гидрологик постидаги узилишларни тиклашда 2-усул ҳам қўлланилди. Шу мақсадда Керки ва Бекобод гидрологик постларида ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари маълумотлари асосида тузилган, $\bar{Q}_{Ки} = f(\bar{Q}_{Би})$ кўринишдаги боғланиш ҳам таҳлил қилинди (2-расм).

Ҳисоблашларнинг натижаларига кўра, мазкур боғланиш зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффициенти $r \pm \sigma_r = 0,738 \pm 0,072$ қийматга тенг бўлди. Ушбу боғланишнинг регрессия тенгламаси асосида Амударёнинг Керки гидрологик постида 1-усулда тикланган ойлик сув сарфлари асосида ҳисобланган ўртача йиллик сув сарфларининг аниқлиги баҳоланди. Шунингдек, мазкур тенглама ҳар икки постлардаги ўртача йиллик сув сарфларида мавжуд бўлган узилишларни бевосита, тўғридан-тўғри тиклаш имкониятини яратди. Ҳар икки усулда ҳисобланган сув сарфлари (Q_1 ва Q_2) ўзаро солиштирилди, уларнинг фарқлар абсолют (m^3/c) ва нисбий қийматларда аниқланди (3-жадвал).



2-расм. Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод) дарёлари ўртача йиллик сув сарфларининг боғланиш графиги

Рис. 2. График связи средних годовых расходов воды рек Амударья (Керки) и Сырдарья (Бекабад)

Fig. 2. Graph of the relationship between the average annual water flow rates of the Amu Darya (Kerki) and Syr Darya (Bekabad) rivers

Ҳар икки усулда тикланган сув сарфларини солиштириш жадвалининг маълумотларидан кўриниб турибдики, мусбат қийматдаги максимал хатоликларнинг энг юқорилари 1933 йил 6% ни, 1934 йил 7% ни ташкил этган. Мусбат минимал хатоликлар эса 1941-1942, 1945 ва 1949 йилларда кузатилган бўлиб, уларнинг қийматлари 1% га тенг бўлган. Манфий қийматдаги хатоликлар 1944 йил -3% га, 1947 йилда -4% га тенг бўлди. Таъкидлаш лозимки, манфий ҳамда мусбат қийматларнинг йиғиндиси -3 га тенг бўлди. Кейинги ҳисоблашларда ҳар икки усулда аниқланган сув сарфларининг ўртача қийматлари (\bar{Q}) олинган.

3-жадвал

Амударёнинг Керки гидрологик постидаги узилишларни тиклаш усуллари
аниқлигини солиштириш

Таблица 3

Сравнение точности методов восстановления пропусков на гидрологическом посту
Керки реки Амударья

Table 3

Comparison of the accuracy of methods for restoring gaps at the Kerki hydrological post of
the Amu Darya river

Т.р.	Йиллар	Амударёнинг тикланган сув сарфлари, м ³ /с		ΔQ		Q̄, м ³ /с
		Q ₁	Q ₂	м ³ /с	%	
1	1933	1980	1853	127	6	1917
2	1934	2413	2244	169	7	2329
3	1938	1760	1791	-31	-2	1776
4	1939	1767	1794	-27	-2	1781
5	1940	1786	1804	-18	-1	1795
6	1941	1962	1952	10	1	1957
7	1942	2119	2089	30	1	2104
8	1943	1953	1965	-12	-1	1959
9	1944	1811	1857	-46	-3	1834
10	1945	2097	2076	21	1	2087
11	1946	2023	2048	-25	-1	2036
12	1947	1807	1876	-69	-4	1842
13	1948	1985	2008	-23	-1	1997
14	1949	2095	2077	18	1	2086
15	1950	1878	1923	-45	-2	1901
16	1951	1918	1965	-47	-2	1942
17	1952	2308	2353	-45	-2	2331

Изоҳ: Q₁ ва Q₂ – мос равишда 1 ва 2 - усулда тикланган ўртача йиллик сув сарфлари; Q̄ – ҳар икки усулда аниқланган сув сарфларининг ўртачаси

Примечание: Q₁ и Q₂ – восстановленные средние годовые расходы воды, соответственно по 1 и 2 методами; Q̄ – средний расход воды, определенный обоими методами

Note: Q₁ and Q₂ – reconstructed average annual water discharge, corresponding to methods 1 and 2; Q̄ – average water discharge, determined by both methods

Натижада Керки ва Бекобод гидропостларида 1926-1960 йилларни қамраб олган ўлчанган ва тикланган сув сарфлари бир маъноли қаторларга келтирилди. Ушбу маълумотлар асосида ўртача йиллик сув сарфлари беш йиллик ҳисоб даврлари учун аниқланди (4-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлил қилиниб, ажратилган беш йиллик ҳисоб даврларининг сувлилик даражаси аниқланди. Шу мақсадда Керки ва Бекобод гидрологик постларида кузатилган ўртача беш йиллик сув сарфлари асосида, уларнинг оқим ҳажмлари ҳисобланди (3-расм).

Диаграммадан кўриниб турибдики, ўрганилган дарёларда 1926-1955 йилларни қамраб олган ҳисоб даврининг охириги беш йиллигида ҳар икки дарёда ҳам оқим ҳажми энг катта қийматда кузатилган. Мазкур беш йилликда ўртача йиллик оқим ҳажми Амударё (Керки)да 69 км³, Сирдарё (Бекобод) да эса 22 км³ га тенг бўлган. Ҳисоб даврининг учинчи беш йиллиги, яъни 1936-1940 йилларга тегишли бўлган беш йиллик эса энг кам сувлиги билан ажралиб туради. Мазкур 5 йилликда ўртача йиллик оқим ҳажми Амударё (Керки)да 57,7 км³, Сирдарё (Бекобод)да эса 14,8 км³ га тенг бўлган (3-расм).

4-жадвал

Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод) дарёлари ойлик ва йиллик сув сарфларининг ўртача беш йиллик миқдорлари, м³/с

Таблица 4

Величины средних месячных и годовых расходов воды рек Амударья и Сырдарья, вычисленные по пятилетним периодам, м³/с

Table 4

Average monthly and annual water discharges of the Amudarya and Syrdarya rivers, calculated for five-year periods, м³/sek

Ойлар	Ҳисоб 5 йилликлари						Ўртача йиллик
	1926-1930	1931-1935	1936-1940	1941-1945	1946-1950	1951-1955	
I	$\frac{792^*}{298}$	$\frac{791}{298}$	$\frac{705}{300}$	$\frac{801}{355}$	$\frac{874}{410}$	$\frac{907}{434}$	$\frac{812}{354}$
II	$\frac{747}{298}$	$\frac{788}{363}$	$\frac{697}{285}$	$\frac{750}{336}$	$\frac{810}{405}$	$\frac{825}{424}$	$\frac{769}{352}$
III	$\frac{887}{339}$	$\frac{932}{380}$	$\frac{774}{316}$	$\frac{934}{379}$	$\frac{1008}{417}$	$\frac{1141}{491}$	$\frac{946}{387}$
IV	$\frac{1786}{448}$	$\frac{1624}{457}$	$\frac{1361}{423}$	$\frac{1737}{540}$	$\frac{1615}{478}$	$\frac{1824}{662}$	$\frac{1658}{502}$
V	$\frac{2856}{1029}$	$\frac{2614}{779}$	$\frac{2700}{897}$	$\frac{2849}{914}$	$\frac{2678}{801}$	$\frac{3043}{1055}$	$\frac{2790}{868}$
VI	$\frac{3656}{761}$	$\frac{4086}{1396}$	$\frac{3551}{967}$	$\frac{3811}{1109}$	$\frac{3486}{915}$	$\frac{4397}{1455}$	$\frac{3831}{1145}$
VII	$\frac{4294}{936}$	$\frac{4550}{1017}$	$\frac{3966}{655}$	$\frac{4202}{804}$	$\frac{4219}{841}$	$\frac{4549}{1030}$	$\frac{4302}{880}$
VIII	$\frac{3812}{578}$	$\frac{3760}{635}$	$\frac{3328}{452}$	$\frac{3627}{459}$	$\frac{3675}{518}$	$\frac{3862}{717}$	$\frac{3677}{560}$
IX	$\frac{2328}{379}$	$\frac{2253}{411}$	$\frac{2045}{322}$	$\frac{2221}{327}$	$\frac{2246}{348}$	$\frac{2185}{452}$	$\frac{2213}{373}$
X	$\frac{1144}{352}$	$\frac{1250}{376}$	$\frac{1125}{327}$	$\frac{1174}{343}$	$\frac{1214}{384}$	$\frac{1275}{512}$	$\frac{1197}{382}$
XI	$\frac{882}{345}$	$\frac{1039}{373}$	$\frac{919}{366}$	$\frac{982}{415}$	$\frac{1018}{451}$	$\frac{1067}{575}$	$\frac{984}{421}$
XII	$\frac{817}{323}$	$\frac{863}{358}$	$\frac{792}{335}$	$\frac{912}{404}$	$\frac{913}{405}$	$\frac{1023}{524}$	$\frac{887}{391}$
Ўртача	$\frac{2000}{507}$	$\frac{2085}{572}$	$\frac{1831}{470}$	$\frac{2000}{532}$	$\frac{1980}{531}$	$\frac{2189}{698}$	$\frac{2014}{552}$


Изоҳ: * суратида – Амударё, махражида – Сирдарё.

Примечание: * в числителе – Амударья, в знаменателе – Сырдарья.

Note: * in the numerator is the Amudarya, in the denominator is the Syrdarya.

Ҳар икки дарёда ойлик ва йиллик кузатишлардаги узилишлар тикланиб, бир маъноли қаторларга келтирилган ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишлари ўрганилди. Таҳлиллар натижасида Амударё ва Сирдарёда ХХ асрнинг II чорагига хос бўлган характерли сувли йиллар аниқланди (4-расм).


Таҳлиллар натижаларига кўра, Амударёнинг Керки гидрологик постида, ўртача йиллик сув сарфларининг максимал қиймати 1953 йилда кузатилган ва унинг миқдори 2480 м³/с га, минимал қиймати эса 1927 йилда кузатилиб, 1730 м³/с га тенг бўлган. Амударёнинг ҳисоб давридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи 2007 м³/с ни ташкил этган. Бу қиймат 1936 йилда кузатилган оқим миқдорига яқиндир. Таъкидлаш лозимки, ушбу характерли сувли йиллар Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постида қайд этилган кўп сувли ҳамда кам сувли йилларга мос келди. Сирдарёда кўп сувли 1953 йилда сув сарфи 825 м³/с га, кам сувли 1927 йилда эса 352 м³/с га тенг бўлди, ўртача кўп йиллик сув сарфи 561 м³/с га тенг бўлиб, бу қиймат 1935 йилдаги сув сарфи миқдорига яқиндир.



3-расм. Керки ва Бекобод гидропостларида ўлчанган ўртача беш йиллик оқим ҳажмларининг ўзгаришлари

Рис. 3. Изменения средних по пятилетним расчетным периодам объемов стока, измеренных на гидропостах Керки и Бекабад

Fig. 3. Changes in average runoff volumes measured at Kerki and Bekabad hydroposts for five-year calculation periods



4-расм. Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод) дарёлари ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебраниши

Рис. 4. Многолетние колебания средних годовых расходов воды рек Амударья (Керки) и Сырдарья (Бекабад)

Fig. 4. Long-term fluctuations in the average annual water flow of the Amularya (Kerki) and Syrdarya (Bekabad) rivers

Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод)да ҳисоб даври, яъни 1926-1955 йилларда ўлчанган ва улардаги узилишлар стандарт дастурлар асосида тикланган ўртача йиллик сув сарфларининг тренд тенгламалари тузилди ва уларнинг ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳисобланди (5-жадвал).

Жадвалда келтирилганидек, Амударёда ўзгарувчанлик коэффициенти сув сарфларининг кузатилган (қисқа қатор) маълумотлар асосида $C_v=0,11$ га, тикланган (узайтирилган қатор) маълумотлари асосида $C_v=0,07$ га тенг бўлди. Сирдарёда кузатилган маълумотлар асосида ўзгарувчанлик коэффициенти $C_v=0,23$ га тикланган маълумотлари асосида эса $C_v=0,18$ ни ташкил этди.

Маълумки, кўпгина амалий гидрологик масалаларни ҳал этишда дарёлар оқимининг йил давомида ойлар, сув режимининг фазалари ва фасллар бўйича тақсимланишига эҳтиёж сезилади. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ҳар икки дарёнинг ҳисоб даври учун аниқланган ўртача кўп йиллик оқими миқдорларининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши ҳисобланди ва олинган натижалар графикларда ифодаланди (5-расм).

5-жадвал

Дарёлар ўртача йиллик сув сарфларининг тренд тенгламалари ва ўзгарувчанлик коэффициентлари


Таблица 5

Уравнения тренда и коэффициенты вариации средних годовых расходов воды рек

Table 5

Trend equations and coefficients of variation of average annual river water discharges

Дарё-пост	Тренд тенгламалари	C_v	
		Кузатилган	Тикланган
Амударё – Керки	$y = 4,6589x - 7032,1$	0,11	0,07
Сирдарё – Бекобод	$y = 4,4845x - 8140,8$	0,23	0,18



5-расм. Дарёлар ўртача кўп йиллик оқими миқдорларининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши

Рис. 5. Внутригодовое распределение среднего многолетнего годового стока рек по месяцам

Fig. 5. Intra-annual distribution of average long-term annual river runoff by months

Диаграммада акс этиб турганидек, Керки гидропостида ойлик оқим ҳажмининг энг катта қиймати (18,1%) июль ойига, унинг энг кичик қийматлари эса (2,9-4%) межень даври, яъни январь, февраль, март, ноябрь ва декабрь ойларига тўғри келган. Бекобод гидропостида ойлик оқим ҳажмларининг энг катта қиймати (17%) июнь ойида, Амударёга нисбатан бир ой олдин кузатилган. Мазкур дарё оқимининг энг кичик қийматлари (4,9-6%), Амударёдаги каби кузги – қишки – баҳорги межень даврларига, яъни январь-март, октябрь-декабрь ойларига тўғри келган. Умуман олганда, Керки ва Бекобод гидропостларида май-сентябрь ойлари оқим ҳажмларининг катталиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳар икки дарёда ҳам ушбу ойлардаги оқим миқдорларининг ўртача кўп қийматлари, йиллик оқимга нисбатан, Амударёда 76,8% ни, Сирдарёда эса 64,8% ни ташкил этган.

Бажарилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда, **хулоса** сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Амударёнинг Керки ва Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постларида кузатилган сув сарфлари маълумотлари тўпланди, улар бирламчи қайта ишланиб, умумлаштирилди, маълумотлар базаси яратилди. Керки гидрологик постида 1926-1955 йиллардаги сув сарфларини кузатишларда аниқланган узилишлар тикланди. Шу мақсадда Бекобод гидрологик постида ўлчанган ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари маълумотларидан аналог сифатида фойдаланилди.

2. Керки ва Бекобод гидрологик постларида кузатилган ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланиб, уларнинг регрессия тенгламалари тузилди. Ўртача ойлик сув сарфлари орасидаги боғланишлар тенгламалари зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари $r \pm \sigma_r = 0,215 \pm 0,131 \div 0,808 \pm 0,047$ оралиқда ўзгарди. Ўртача йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишларнинг жуфт корреляция коэффициенти $0,738 \pm 0,072$ га тенг бўлди.

3. Ҳисоб даври – XX асрнинг II чораги, аниқроғи 1926-1955 йиллардаги ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишлари таҳлил қилинди, характерли сувли йиллар аниқланди. Амударёда ўртача йиллик сув сарфларининг максимал қиймати 1953 йилда ($2480 \text{ м}^3/\text{с}$), минимал қиймати эса 1927 йилда ($1730 \text{ м}^3/\text{с}$) кузатилган. Ҳисоб давридаги ўртача кўп йиллик сув сарфи $2019 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган.

4. Керки ва Бекобод гидрологик постларида кузатилган ўртача кўп йиллик оқим миқдорининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши ҳисобланди. Керки гидропостида ойлик оқим ҳажмининг энг катта қиймати (18,1%) июль ойига, унинг энг кичик қиймати эса (2,9%) февраль ойига тўғри келди. Бекобод гидропостида ойлик оқим миқдорларининг энг катта қиймати (17%) июнь ойида кузатилган бўлса, энг кичик қиймати (4,9%) февраль ойида қайд этилди. Шунингдек, ҳар икки дарёда ҳам вегетация (апрель-сентябрь) давридаги оқим ҳажмларининг қийматлари, йиллик оқимга нисбатан, Амударёда 76,8%, Сирдарёда эса 64,8% ни ташкил этди.

5. Тадқиқот натижалари келажакда Амударёнинг юқори (Керки) ҳамда қуйи оқимидаги, хусусан, Туямўйин, Чатли (Саманбой) ва Қизилжар гидропостларида амалга оширилган сув ўлчаш ишлари маълумотлари билан солиштириш имконини беради. Уларнинг таҳлиллари натижалари эса Амударё тарихий гидрологик режими ва оқим миқдорлари ҳақида янада аниқ илмий ва амалий хулосалар чиқаришга замин яратади.

Миннатдорлик. Муаллифлар мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида билдирган таклифлари, илмий маслаҳатлари учун г.ф.д. Ғ.Х.Юнусовга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Муаллифлар ҳиссаси. **Ф. Ҳикматов:** мақола ғояси, методология, тадқиқот объектини танлаш, натижалар таҳлили, хулосалар. **А.З. Умаров:** мақола ғояси,

ҳисоблашлар, натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **О.А. Хайдарова** ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Аденбаев Б.Е. Современный гидрологический режим и водообеспеченность низовьев реки Амударья. Автореф. Дисс... докт. геогр. наука. – Ташкент, 2020. – 72 с.

Аденбаев Б.Е., Умаров А.З. Об изменении стока реки Амударья под влиянием хозяйственной деятельности / “Фарғона водийсида табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Наманган, 2013. – Б. 109–110.

Аденбаев Б.Е., Хикматов Ф.Х. Оценка современного гидрологического режима и водообеспеченности низовьев реки Амударья. Монография. – Ташкент “INFO CAPITAL BOOKS”, 2021. – 176 с.

Курбанбаев Е.К., Артыков О., Курбанбаев С.Е. Аральское море и водохозяйственная политика в республиках Центральной Азии. – Нукус: Каракалпакстан», 2011. – 127 с.

Курбаниязов А.К. Эволюция ландшафтов обсохшего дна Аральского моря. Монография. – М.: Издательский дом Академии Естествознания, 2017. – 148 с.

Лопатин Г.В. Материалы по гидрологии дельты Амударья // Труды лаборатории озераведения, том. 4. – М. – Л. 1957. – С. 192-268.

Очерки развития гидрометеорологии в Средней Азии. – С-Пб.: Гидрометеиздат, 1993. – 440 с.

Проскуряков А.К. Водный баланс реки Амударья на участке от г.Керки до г.Нукуса. – Л.: Гидрометеиздат, 1953. – 89 с.

Рафиқов А.А., Тетюхин Г.Ф. Снижения уровня Аральского моря и изменения природных условий низовьев Амударья. Монография. – Ташкент: Фан, 1981. – 200 с.

Рафиқов В.А. Антропогенные факторы прогнозирования изменения геосистем Приаралья / Наука Каракалпакстана: вчера, сегодня, завтра: Материалы республиканской научно-практической конференции. – Нукус, 2009. – С.74-76.

Рубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. – Ташкент: НИГМИ Узгидромет, 2005. – 185 с.

Рогов М.М., Ходкин С.С., Ревина С.К. Гидрология устьевой области Амударья. Монография. – М.: Гидрометеиздат, 1968. – 268 с.

Хикматов Ф.Х., Аденбаев Б.Е., Ибраев Р.А. Динамика поступления речных вод в дельту реки Амударья // Известия географического общества Узбекистана, том 31. – Т., 2008. – С. 57-59.

Хожамуратова Р.Т. Комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Республики Каракалпакстан и пути их уменьшения. Автореф. дисс ... докт. геогр. наук. – Ташкент, 2020. – 72 с.

Чембарисов Э.И., Насрулин А.Б., Лесник Т.Ю., Хожамуратова Р.Т. Генезис, формирование и режим поверхностных вод Узбекистана и их влияние на засоление и загрязнение агроландшафтов (на примере бассейна р. Амударья). Монография. – Нукус: Каракалпакстан, 2016. – 187 с.

Чуб В.Е. Многолетние характеристики компонентов водных ресурсов зоны формирования стока Средней Азии и их изменения. – В кн.: Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда. – Ташкент: Университет, 2000. – С. 3-19.

Шикломанов И.А. Влияние хозяйственной деятельности на речной сток. Монография. – Л.: Гидрометеиздат, 1989. – 335 с.

Шульц В.Л., Шалатова Л.И., Лукина Н.К., Видинеева Е.М. Гидрологическая характеристика верхней части бассейна Амударья. Монография. – Ташкент: Изд-во «Фан» УзССР, 1975. – 123 с.

Умаров А.З., Хайдарова О.А. Куйи Амударёда бажарилган гидрологик кузатишлар ва уларда қайд этилган оқим микдорлари таҳлили // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 64-жилд. 2024. – Б. 99-109.

**ИЗУЧЕНИЕ ГИДРОЛОГИЧЕСКОГО РЕЖИМА РЕК АМУДАРЬЯ И СЫРДАРЬЯ
НА ОСНОВЕ ВОДОМЕРНЫХ ДАННЫХ ВТОРОЙ ЧЕТВЕРТИ XX ВЕКА****А.З. УМАРОВ¹, О.А. ХАЙДАРОВА¹, Ф. ХИКМАТОВ¹**¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, umarovalisher.392@gmail.com

***Аннотация.** В статье изучен гидрологический режим рек Амударья и Сырдарья на основе данных стационарных гидрологических наблюдений, проведенных во второй четверти XX века. Для этой цели были использованы данные гидрологических постов Керки на р. Амударья и Бекабад на р. Сырдарья. За выбранный период произведен анализ особенностей месячного внутригодового распределения и стока рек по месяцам и их межгодовых колебаний, стока обеих рек в течение года, а также статистически оценена их изменчивость. Выявлены экстремальные по водности годы на основе анализа полученных результатов по пятилетним расчетным периодам.*

***Ключевые слова:** река, гидрологический пост, расход воды, однородный ряд, внутригодовое распределение, межгодовые колебания, экстремальные по водности годы, оценка.*

**STUDY OF THE HYDROLOGICAL REGIME OF THE AMUDARYA AND
SYRDARYA RIVERS BASED ON WATER MEASUREMENT DATA OF THE SECOND
QUARTER OF THE 20TH CENTURY****A.Z. UMAROV¹, O.A. KHAYDAROVA¹, F. KHIKMATOV¹**¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, umarovalisher.392@gmail.com

***Аннотация.** The article studies the hydrological regime of the Amu Darya and Syr Darya rivers based on stationary hydrological observations conducted in the second quarter of the 20th century. For this purpose, data from the Kerki hydrological posts on the Amu Darya river and Bekabad on the Syr Darya river were used. For the selected period, an analysis was made of the features of the monthly intra-annual distribution and flow of the rivers by month and their interannual fluctuations, the flow of both rivers during the year, and their variability was statistically assessed. Extreme years in terms of water content were identified based on an analysis of the results obtained for five-year calculation periods.*

***Key words:** river, hydrological station, water flow, homogeneous series, intra-annual distribution, interannual fluctuations, extreme years in terms of water content, assessment.*

REFERENCES

Adenbaev B.E. Sovremennyy gidrologicheskiy rejim i vodobespechennost nizovyev reki Amudari [Current hydrological regime and water supply of the lower reaches of the Amu Darya river]. Avtoref ... doc. geog. nauk. – Tashkent, 2020. – 72 s. (in Russian)

Adenbaev B.E., Umarov A.Z. Ob izmenenii stoka reki Amudari pod vliyaniem hozyyastvennoy deyatelnosti [On changes in the flow of the Amu Darya River under the influence of economic activity] / Fargona vodiysida tabiatdan foydalanish va muhofaza qilishning dolzarb muammolari respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari toplami – Namangan, 2013. – B.109-110. (in Russian)

Adenbaev B.E., Khikmatov F.Kh. Otsenka sovremennogo gidrologicheskogo rejima i vodobespechennosti nizovev reki Amudari [Assessment of the modern hydrological regime and water availability of the lower reaches of the Amudarya. Monograph]. – Tashkent “INFO CAPITAL BOOKS”, 2021. – 176 s. (in Russian)

Kurbanbaev E.K., Artykov O., Kurbanbaev S.E. Aralskoe more i vodoxozyaystvennaya politika v respublikax Sentralnoy Azii [The Aral Sea and water policy in the Central Asian republics]. – Nukus: “Karakalpakstan”, 2011. – 127 s. (in Russian)

Kurbaniyazov A.K. Evolyutsiya landshaftov obsoxshego dna Aralskogo morya. Monograph. [Evolution of landscapes of the dried bottom of the Aral Sea: monograph.] – M.: Izdatelskiy dom Akademii Yestestvoznaniya, 2017. – 148 s. (in Russian)

Lopatin G.V. Materiali po gidrologii delti Amudari [Materials on the hydrology of the Amu Darya delta] // Trudi laboratorii ozerovedeniya, tom. 4. – M. L., 1957. – S. 192-268. (in Russian)

Essays on the Development of Hydrometeorology in Central Asia. – SPB.: Gidrometeoizdat, 1993. – 440 p. (in Russian)

Proskuryakov A.K. Vodniy balans reki Amudari na uchastke ot g. Kerki do g. Nukusa [Water balance of the Amudarya River in the area from Kerki to Nukus]. – L.: Gidrometeoizdat, 1953. – 89 s. (in Russian)

Rafikov A.A., Tetyuxin G.F. Snijeniya urovnya Aralskogo morya i izmeneniya, prirodnix usloviy nizovev Amudari [Lowering the level of the Aral Sea and changing the natural conditions of the lower reaches of the Amudarya Monograph]. – Tashkent: Fan, 1981. – 200 s. (in Russian)

Rafikov V.A. Antropogennie faktori prognozirovaniya izmeneniya geosistem Priaralya [Anthropogenic factors for predicting changes in geosystems of the Aral Sea region] / Nauka Karakalpakstana: vchera, segodnya, zavtra: Materiali respublikanskoj nauchno-prakticheskoy konferentsii. – Nukus, 2009. – S.74-76. (in Russian)

Rubinova F.E., Ivanov Yu.N. Kachestvo vodi rek basseyna Aralskogo morya i ego izmeneniye pod vliyaniyem xozyaystvennoy deyatelnosti [Water quality of rivers in the Aral Sea basin and its changes under the influence of economic activities] – Tashkent: NIGMI Uzhydromet, 2005. – 185 s. (in Russian)

Rogov M.M., Khodkin S.S., Revina S.K. Gidrologiya ustevoy oblasti Amudari [Hydrology of the mouth area of the Amudarya. Monograph]. – M.: Gidrometeoizdat, 1968. – 268 s. (in Russian)

Khikmatov F.Kh., Adenbaev B.E., Ibraev R.A. Dinamika postupleniya rechnix vod v deltu reki Amudari [Dynamics of river water inflow into the Amudarya River delta] // Izvestiya Geograficheskogo obshchestva Uzbekistana, Tom 31 – T, 2008. – S. 57-59. (in Russian)

Xojamuratova R.T. Kompleksnaya otsenka vliyaniya melioratsii na gidroekologicheskoye sostoyaniye vodnix resursov Respubliki Karakalpakstan i puti ix umensheniya [Comprehensive assessment of the impact of reclamation on the hydroecological state of water resources of the Republic of Karakalpakstan and ways to reduce them]. Avtoref. ... diss. doc. geog. nauk. – Tashkent, 2020. – 72 s. (in Russian)

Chembarisov E.I., Nasrulin A.B., Lesnik T.Yu., Khozhamuratova R.T. Genezis, formirovaniye i rejim poverxnostnix vod Uzbekistana i ix vliyaniye na zasoleniye i zagryazneniye agrolandshaftov na primere basseyna r. Amudari [Genesis, formation and regime of surface waters in Uzbekistan and their impact on salinization and pollution of agricultural landscapes (using the example of the Amudarya River basin). Monograph]. – Nukus: Karakalpakstan, 2016. – 187 s. (in Russian)

Chub V.Ye. Mnogoletniye xarakteristiki komponentov vodnix resursov zoni formirovaniya stoka Sredney Azii i ix izmeneniya [Long-term characteristics of the components of water resources in the runoff formation zone of Central Asia and their changes]. – V kn.: Vodnie resursi, problemi Arala i okrujayushaya sreda. – Tashkent: Universitet, 2000. – S. 3-19. (in Russian)

Shiklomanov I.A. Vliyaniye xozyaystvennoy deyatelnosti na rechnoy stok [Impact of economic activities on river flow Monograph]. – L.: Gidrometeoizdat, 1989. – 335 s. (in Russian)

Shultz V.L., Shalatoval L.I., Lukina N.K., Vidineeva E.M. Gidrologicheskaya xarakteristika verxney chasti basseyna Amudari [Hydrological characteristics of the upper part of the Amudarya basin Monograph] – Tashkent, Izd-vo “Fan” UzSSR, 1975. – 123 s. (in Russian)

Umarov A.Z., Haydarova O.A. Quyi Amudaryoda bajarilgan gidrologik kuzatishlar va ularda qayd etilgan oqim miqdorlari tahlili [Analysis of the hydrological observations made in the Lower Amudarya and the flow rates recorded in them] // Annals of the Geographical Society of Uzbekistan. Vol. 64. 2024. – B. 99-109. (in Uzbek)

АТРОФ-МУҲИТ МОНИТОРИНГИ / МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ / ENVIRONMENTAL MONITORING

УДК: 626.812:628.515(571.11)

АНАЛИЗ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ВОДЫ РЕКИ ЧИРЧИК

Т.А. АХМЕДОВА¹

¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, t.akhmedova1962@gmail.com

Аннотация. В статье представлены результаты исследования ретроспективы и современного состояния качества воды реки Чирчик. Приведены фактические данные о загрязнении и концентрации загрязняющих веществ, чаще всего превышающие предельно допустимые концентрации. Представлен анализ изучения пространственного распределения загрязняющих веществ (ЗВ) по длине реки, который позволяет выявить наиболее загрязненные участки, предположить возможные источники загрязнений и в дальнейшем их идентифицировать, а также предложить мероприятия по защите от загрязнения и очистке.

Ключевые слова: водные ресурсы, река, загрязнения, качество, антропогенный фактор, нефтепродукты, сточная вода, промышленность, коммунальное хозяйство.

Введение. Интенсивное антропогенное воздействие, которому подверглись последнее десятилетие буквально все объекты природной среды, в особой степени коснулось водоёмов и водотоков. Практически не осталось рек, озёр, ручьёв, которые в той или иной мере не подверглись бы антропогенному прессингу. Безвозвратное водопотребление привело к истощению водных ресурсов, а сброс коллекторно-дренажных и недостаточно очищенных сточных вод промышленности и коммунально-бытового хозяйства создали серьёзные трудности в обеспечении качественной питьевой водой населения, традиционно использующего поверхностные воды как источники водоснабжения.

Проблема рационального использования водных ресурсов и их охрана от загрязнения является одной из актуальных проблем современности. Особенно актуальна эта проблема для регионов с напряжённым водохозяйственным балансом, где развитие отрасли экономики может тормозиться не только количественным, но и качественным истощением водных ресурсов. К таким регионам относится бассейн реки Чирчик.

В связи с интенсивным использованием водных ресурсов бассейна р. Чирчик для различных целей и сброс в реку неочищенных или плохо очищенных сточных вод, качество как поверхностных так и подземных вод на протяжении длительного времени ухудшалось. На некоторых участках вода реки стала непригодной не только для рыбохозяйственного, предъявляющего более жесткие требования к качеству воды, но и для хозяйственно-питьевого водоснабжения [Ахмедова, Щетинников, 2017].

¹ Ответственный автор: t.akhmedova1962@gmail.com, +998 90-350-35-95

Объект исследования. Река Чирчик находится в северо-восточной части Республики Узбекистан и с притоками входит в бассейн реки Сырдарья и является ее главным правобережным притоком (рис. 1).

Площадь бассейна реки составляет 14900 км², длина 161 км [Рубинова, 1994]. Река протекает по территории с интенсивной хозяйственной деятельностью. Даже в зоне формирования стока имеются объекты, являющиеся источниками загрязнения. В среднем течение реки производится продукция машиностроения, горной, химической, текстильной и пищевой промышленности. В долине р. Чирчик находятся крупные города Газалкент, Ташкент, Чирчик, Янгиюль, Чиназ.




Рис. 1. Местоположение объекта исследования

Fig 1. Location of the study object

Общая площадь орошаемых земель в Ташкентской области составляет 399,2 тыс.га, это 9,15% от их общей площади в Республике Узбекистан. Основными сельскохозяйственными культурами являются хлопок, пшеница, овощи и бахчевые, имеются сады и виноградники. Значительное влияние на качества вод оказывают хозяйственно бытовые, промышленные сточные воды и стоки сельскохозяйственных предприятий. Именно эти факторы оказывают заметное влияние на характер загрязнения поверхностных вод.

Одним из значительных источников загрязнения вод реки Чирчик являются также сбросы коллекторно-дренажных вод с многочисленных орошаемых массивов Ташкентского вилоята. Коллекторов различной водности множество, на 24 крупнейших из них гидрогеологическая мелиоративная экспедиция Ташкентского вилоята ведет учет стока, определяет минерализацию воды и содержание в ней хлоридов. 9 коллекторов из 24-х сбрасывают воду в канал Карасу (левобережный) и один в канал Маргуненкова [Ахмедова, Видинеева, 2020]. Самый длинный – Каракамыш, самый многоводный – Ачисай, с годовым расходом воды 2,51 м³/сек. Максимум стока в коллекторах приходится обычно на осенне-зимний период, когда минерализация воды в них от 1,5 до 3,0 г/дм³ (рис. 2).




Рис. 2. Линейная схема реки Чирчик с притоками и водозаборами

Fig. 2. Linear diagram of the Chirchik River with tributaries and intakes

